

ЭЛИМ МИНДИ ХУРЛИК ОТИГА

Бу Ватани кутармоқ керак, Дардин дилдан ўткармоқ керак, Муродида еткармоқ керак, Бу Ватани кутармоқ керак.

Тарихи бор қадим, суронли, Гоҳи равақ, гоҳи қиронли, Мардлар даркор қаби бўронли, Бу Ватани кутармоқ керак.

Етиб дилда қилган додига, Оллоҳ олди уни ёдига, Элим минди хурлик отига, Бу Ватани кутармоқ керак.

Дилимизда ёнган чироқдир, Яшнаб турган яши лпроқдир, Улуғ зотлар ётган тупроқдир, Бу Ватани кутармоқ керак.

Қўларимизни оқу қораси, Маърифатда ривож чораси, Малҳам топсин дарду пораси, Бу Ватани кутармоқ керак.

Она умрин тилаган каби, Ақилларин силаган каби, Фарзандларинг соф бўлсин қаби, Бу Ватани кутармоқ керак. Бобур БОБОМУРОД.

Сиз кутган учрашув

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нейматжон Қулабдуллаев ўзбек қўшиқчилиги ривожига улкан ҳисса қўшди...

— Нейматжон ака, мустақиллик сизга нима берди?

— Мустақиллик мени узоқ йиллар мобайнида ўйлантириб келётган "сайраётган қўш изтиробдан холи" деган тушунчанинг ҳақиқат эканлигини исботлаб берди.

— Сизнинг-ча дўстларнинг қандай гуноҳини кечириб бўлмайди?

яқши шеър ўқиб қолсам, дарҳол дугорни қўлга олиб, музика басталайман. Хуллас, вақтни қанча тежамай, у ўтиб кетаверади. Мен ундан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилавераман.

У "Шарқ тароналари" II халқаро музика фестивалида олий мукофот — Гран-при совриндори бўлди. Шогирдининг камолини кўриши ҳам катта бахт, билсангиз.

— Аслида қўшиқчи бўлиш қийин. Ҳозирги кунларда эса ёшларнинг рекламага зўр бериб, ўзлари...



«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўбей хайъат — 133-57-34; Хужук — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маълумот ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Халқаро — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро хайъат — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртга № 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II компьютерли термалди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ, Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ, Навбатчи — А. АБДУБАНОПОВ, Мусахҳах — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 23.55 1 2 3 4 5 6

Қўлда дугтори билан...

— Чустийнинг бир газали бор, жавобим ана шуларди:

Роҳату қулфатда ҳам беёр, тапхо бўлмағи, Эрдадан то кечгача қолмай қишидан соңдек Кечкурун йўқ бўлгучи вақтинча ошно бўлмағи.

— Саида Зуннуваннинг «Мубталаси бўлмас» шеърини ажабий музика басталагансиз...

— Аввало, шеър ажабий. Уни ўқигач, узоқ йиллар ўйлаб юрдим, қандай қилсам-у, ажралиб турайдиган музика яратсам деб. 1994 йили ниятimgа етдим. Уни Насиба Сатторова мунгли ва дардли овоз билан ижро этмоқда.

ни кўз-кўз қилаётганликларини кўрасиз, «эстрада юддуз»лари деб бир зумда ўзларига ном ҳам қўйиб олишадилар. Бунга қандай қарайсиз?

— «Юддуз»ман деб минг афиша чиқаринг, фойда бермайди. Халқнинг ўлмас мақоли бор: «Қозонда бўлса чўмичга чиқайди». Шунчаки санъаткор сув юзидая қўпик сингари секин-аста ёрилиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади. Турги, ҳамма ҳам Ботир Зокиров, Юддуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова бўлиши қийин. Лекин санъатнинг ҳам қадрини туширмаслик, уни сийқалаштирмаслик бугуннинг талаби...

— Дугорини хўб ва хўп чертасиз. Қалбни титратиб, дилни яйратадиган ушбу асбоб билан ҳамон ошно-сиз...

— Амир Темур саройидаги давраларда ҳам дугор эъзозланган. Дугорнинг умри боқийдир, абайлидир. Қори Ниёзий, Ёлқин Туракулов, Фафур Фулом, Ҳабиб Абдуллаев, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Миртемир, Чустий, Юнус Ражабий, Наби Раҳимов, Аброр Ҳидоятлоевлар хонадонида доимо дугор бўлгучи эди. Улар дам олиш пайтларида дугорда улашар эктирган куйини қалишар ёхуд ашула хиргойи қилиб қўйишмаса, кўнгиллари хотиржам бўлмасди.

Нейматжон ака билан суҳбатлашиб, уйга қайтар эканман, хаёлга чўқдим: ижодкор тунни тонгга улаб, оҳанглар оғушида яшайди, ижод қилади. Янги қўшиқ яратиш ишқиде тинимсиз изланади. Шогирдин хонанда руждигай уйғунлик қўшиқнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Одатда одам чиройли қўшиқ эшитганда, ижрочи маҳоратига шайдо бўлади. Нейматжон Қулабдуллаев ўз шинавандаларига эга бўлган ана шундай ёқимли қўшиқлар соҳибидир.

Анвар ИНОҚОВ суҳбатлашди.

Мурувват ДАРСЛИКЛАР — БЕПУЛ

Учқўрғон тумани мактабларининг бир гуруҳ ўқувчилари билимлар кунини арафасида ажабий совға олдилар. Туман ҳокимлиги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 660 нафар фарзандига дарсликлар туркуминини бепул тортиқ қилди. Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилган шанбаликдан тўшган 1 миллион 800 миң сўм маблағ ана шундай хайрли ишни амалга ошириш имконини берди.

Кам даромадли оилаларга кўрсатилган мурувват фақат шугина эмас. Тумандаги меҳнат жомалари ҳам 630 нафар болажонни ҳомийликка олиб, уларга мактаб билан бошқа қўшма ҳам билим-кўчакларни тўхфа эттишти. Қ. НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Хушхабар БУНДА КЕЛАЖАК НАФАС ОЛАДИ

Яқинда Ширин шаҳрида қувончли воқеа юз берди: бир йўла иккита ўқув даргоҳи — энергетика ва машиный хизмат коллежлари ўқувчиларга ўз эшикларини очди.

Маълумки, 12 миң нафар аҳолиси бўлган Ширинда салкам 7 миң нафар 20 ёшга тўлмаган ўсмир вояга етмоқда. Шаҳар яқинида Сирдарё ГРЭСи ва Фарҳод ГЭСи мавжуд. Энергетика коллежи ана шу нурхоналарга юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берса, машиный хизмат коллежида сартарошлар, косиблар, ошпазлар ва бошқа кўпбал хунар эгалари етиштиб чиқлади.

1050 ўринга мўлжалланган коллежларда нафақат ширинлик ёшлар, балки ён-атрофдаги қишлоқлардан келган юзлаб йигит-қизлар ҳам билим олишадилар. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий ётоқхона, спорт майдончаси, кутубхона ва ошхонага эга бўлган янги ўқув масканлари бир йил ичида қад ростланди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Шу кунларда 60 ёшга тўлган Ёзувчи Саъдулла СИЁВА 40 йилдан бери ижод қилган. Унинг китоблари чоп этилди. Жумладан, у «Брулик», «Мажнуннинг қовдаси», «Бепарво бўлоқчидан», «Эркаклар эртаги» каби хикоялар тўпламлари, «Авога», «Ясаваийнинг сўнги сафари» романининг муаллифидир.

«Жалқ сўзи» газетасида Ёзувчининг публицистик мақолалари ва бошқа асарлари тез-тез чоп этилиб туради. Эътиборингизга Ёзувчининг янги ҳажмасини ҳавола этдик.

Эрталаб бошланган баэм тўхта бериб, авжга чиқди. Нақш-нигори улкан меҳмонхона. Ноз-неъматдан столнинг бели қарсиллади. Турда, диванини тўдириб уй бекаси — Опа ўтирибди. Уртада икки аёл капалакдай чарх уриб ўйнайди. Опа магнитофоннинг кулогини бураб қўйди. Насибанининг овози янгради: «Ёқасиз, жоним, ёқасиз...»

Қора қишимининг сувиға тўйинган хонимлар қўшиқ шилдатилган эс-хушини йўқотиб қўйгандек бўлди. Озода билан Дилдора бир-бирига муқом қилиб, ер лепсирига рақе зарбидан шифтларга хайбатли қимил тебраниб-завқланиб, опанинг биқинига ўтирган аёллар мастона қийқириб, чапак чаларди: — Ҳа, майда қадларингдан, Дилдорим! — Узим ургилди сендан! Бир кунни кувё турани ҳам қилиб, кул қилмасанг бўлди! Ниҳоят, Опа девордаги барқашдек тилда соатта кўз қирини ташлаб олиб, қарс урди: — Хўв, оймачахонлар! Бўлди қўшиқлар энди. Хўжайининг келадиган вақтлари бўлиб қолди.

Озода ҳансираб келиб, курсига чўқди. — Энди оламнинг балани қизган элиги, Опа. Қайфнинг белига тепадингиз. Ух... Опа бармогини илмоқ қилиб, ҳамтовқоқларини имлади: — Бу ёққа келинлар. Поччангиз келгунча мана бу рўйхатни битирайлик. Кейин кўнларига тўтқамиз. Ҳамма Опанинг оғизига тикилиб, жим бўлиб қолди. Опа қошларини чимириб:

МАДИНАНИНГ «ОЛТИН ПАЛЬМА»СИ

Италиянинг Финале Лигори шаҳрида камер музикаси бўйича «Олтин мерос» халқаро танлови бўлиб ўтди. Ингирма олтинчи марта ўтказилаётган бу музикаий анжуманда Япония, Франция, АКШ, Жанубий Корея, Германия, Хитой каби ўн етти мамлакатдан етакчи санъаткорлар қатнашди. Ўзбекистондан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ходимаси Мадина Файзиева иштирок этди.

Халқаро танлов уч йўналиш ва икки турда ўтди. Пианиночилар гуруҳида мусобақалашган ҳамюртинмиз иккала босқичда ҳам ўз маҳоратини намойиш эта олди. У бундай нуфузли танловда илк бор қатнашган

М. ОДИЛОВА (ЎЗА).

— Демак, қолган уринлар... Ҳм-м, бозор, лесхоз, дунпарак, меҳба... — Биринчи бўлиб Озода қаққилдоқ Опани елкасидан қўчоқдай, ялиншига тўшди.

— Кулингиз бўлай, опажон! Бир йилга, атиги бир йилга бўлса-да, бизнинг хўжайинга лесхозни бериб туринг. Иморат ўлгур битмай ётибди, икки қизим буй етиб турибди. Сал қадимизни ростлаб олайлик.

— Лесхоздан оғиз очма, у катта куёвга ваъда қилдинг. — Унда автозаправкани бера қолдинг. — У ер ҳам банд. Жалдон акамлар бу ишга ўтмасдан илгари авансларини олиб қўйганлар.

— Аёллар чувиллашга ўтди: — Ким экан у? — Пешонасида шохи бор экан-да, элдан бундан заправкага эгаллик қилиб олибди. — Уми? — деб Опа Озодага қаради. — У ҳам сенинг эрингга ухшаган боши думалоқ, буйи айри бир маҳлук. Гапларинг бўлса, ана, хонимчалар!... Хонимлар ялт этиб, бир чекка оққларини чалиштиригача, керилиб ўтирган Муножадга қарашди. — Вой, манавай қилтириқнинг эрими? — деди Озода кўзларини ола-қула қилиб. — Писмиқ! Ошни дамлаб, дамтовқони бостириб қўйиб... тиржайиб ўтиришинга ўлайми?

Муножад индамай, голибона қулиб қўй қолди. Озода аста Муножаднинг олдига келди, унга синчиклаб разм солган бўлди, сунг стодан бир шиша менерал сув олиб келди-да тақ

бўлсада, Бах, Мошарт, Шопен каби мумтоз, шунингдек, замонавий композиторлар асарларини моҳирлик билан ижро этди. Зеро, Мадина консерваторияда ўқиб юрган чоғидаёқ жаҳон мумтоз музикаси маул-лифлари асарларини зўр иштиёқ билан ўрганган, шу боис ёш созандалар республика танловларининг дипломларини қўлга киритишга эришган эди.

Халқаро хайрат қарорига кўра иккинчи-учинчи ўринлар Италия, Япония ва Ўзбекистон вакилларига насиб этди. М.Файзиева «Олтин пальма» совриндори, айни пайтда, халқаро танлов лауреати унвони соҳибаси бўлди.

М. ОДИЛОВА (ЎЗА).

қўлидан закигалкани юлиб олди-ю, эшикка қараб юрди: — Хозир ҳолига чиқаману... тирик машағла айланам!

Озода остонага етганда тўхтади. У шунчаки пўписа қилаётган эди. Бирортаси: «Қайт изингга» дермикан, деган умидда ўргилди. Дилдора Опаннинг кулогига шивирлади: — Биласиз-ку, у жинни, сал, наҳароқ бўлиб қолган. Бозорни бериб қутулинг. Қимсан Жалдон ақанинг уйда фалончи ўзига ўт қўйиб-

лукдай араз қилди: — Берганингизни бераверинг. Барингир, молли жойлар қомталаш бўлиб кетди. — Сенинг эрингга, Ҳм-м... дормеҳбазани берамиз, — деди Опа. Дилдора ўтирган еридан ириб тўшди: — Иби! Энди бизнинг хўжайини келиб-келиб, аяллат ташувчиларга бошлқ бўлайми? Уруларим эшитса, қулмайдимми? Опа эрқалаб, Дилдоранинг елкасидан кучди: — Узинг ҳам улғудай гўл экансан. Чиройи бўлмаса-да, чинори бўлсан, деган гап бор. Пулнинг бари манда шу ахлатнинг ичида-ку, жинни! Биласанми бу зонада ахлат ташийдиган қайма мошин бор? Улганда унгадир? Ҳар бири уйга беш миңдан берса, қанча бўлади? Ун миңдан берса-чи?

Дилдора кўзларини паства қилиб, ўзича ҳисоблашга тушди: «Унтаси ўн миңдан, юз миң... йигирма миңдан...» — Майли, Опа, сиз нима десаизгиз шу... Опа оғзини қийшайтириб, масҳара қилди: — «Майли, опа...» Пулдан қўйлақ-ловим тикиб қийганинда бизни ҳам эслаб турсан бўлди.

Шу пайт ровондан эркак кишининг йўтали, гурисиллаган қадам товуши эшитилди. Озода: — Вой, поччам келилар! — дедию, шилдилаб бориб жойига ўтирди. Аёллар дарров сергак торлди, қийим-бошларини тузатиб, сипо бўлиб олишди. Уй бекаси ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди. Савлат тўкиб Жалдон кирди. Гулруҳсорларга кўз қирини ташлаб олиб, илжайди: — Салом, салом... жамоат жам-ку? «Дугонлар, борсенд, омонимсиз!» — деб бир бозми жамшид тузибдилар-да? Ҳа, дуруст, дуруст... Аёллар, овчини кўрган ҳуркак кушларлар, бир зумда пати-путур тарқаб кетишди.

Саъдулла СИЁЕВ.

OPPORTUNITIES FOR TRANSLATORS

BBC World Service Monitoring gathers news from Central Asian broadcast and press sources. Our office in Tashkent is looking for translators into English with an excellent, preferably native-level, knowledge of the Kazakh, Turkmen and Tajik languages. A good knowledge of Russian and Uzbek is also desirable. This is a full-time post, which involves shift and weekend work. The successful applicant will be expected not only to translate, but also to select important material from monitored sources. The post therefore requires not only good language skills, but also sound knowledge of current affairs in Kazakhstan, Turkmenistan and Tajikistan, in the whole Central Asian region, and a good level of general knowledge.

Those interested should contact Saida Kalkulova or Henrietta Alexandrova on 68-62-12 or 120-64-46 during office hours (09.00 to 17.00) Monday to Friday. The closing date for completed BBC application forms is Friday 8th October 1999.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон масъул ходими Маҳамат Абдурахимович ТОШМАТОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, қасаба уюшмаси вазирлиги Моддий-техника ресурслари бошқармаси бошлигининг ўринбосари Олдижон Акрамовга волидаи муҳтарамлари РАШИДАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзтеледикурилик» бирлашмаси жамоаси бирлашманинг кадрлар бўлими бошлиғи Ш. Гаимовага ақаси Маҳмуджон РИЗАЕВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, қасаба уюшмаси Ҳисоб ва ҳисоботлар улустиети бошқармаси бош мутахассиси Ҳақимжон ХОЛИЕВОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

«Физика-Қуёш» ИИҲБси жамоаси Материалшунослик институти директори, техника фанлари доктори Абдужаббор Абдурахмоновга опалари Фаридат ТОШПУЛТАОВА-нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.